



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

13 май 1969 йил, сешанба

№ 110 (14.273)

Баҳоси 2 тийин.



ЧОРВА ЯЙЛОВЛАРИДА



Р. Ашуров фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Пахтага қон Андижонда чорвачилик ҳам йил сайин ривожланмоқда. Хўжаликлар бу соҳадан катта даромад олишяпти. Областада бу йил ҳам чорвачиликни ривожлантириш ва маҳсулдорлигини оширишга катта эътибор берилмоқда. Шу кунларда моллар ёзги яйловларга — Помир-Олой тоғ ёнбағирларига ҳайдалмоқда. Яйловлар ўтга сероб бўлганлиги учун ҳам мол боқишга жуда қулайдир. Чапдаги суратда Избоскан районидagi «Партия XX съезди» колхозининг бош чўпони Махтумбек Йўлдошевни кўриб турибсиз. Ундаги суратда эса қўй-қўзиларни ёзги яйловга ҳайдаш пайти тасвирланган.

ЯШИЛ КВАДРАТЛАР

Ромитандаги «Октябрь» 50 йиллик совхозини далаларида яшил квадратлар қўзга ташлана бошлади.

Хўжалик деҳқонлари бу йил 3185 гектар майдонда пахтадан мўл ҳосил кўтаришга аҳд қилганлар. Баҳорнинг гоёт муркаб келишига қарамай чигит экинш намунали ўтказилди. Хўзир совхозининг салкам 2000 гектар майдонда уруғ текис униб чиқди.

Коммунист Барно Асадов бошлиқ 4-бўлимда гўза парварини қизитиб юборилган. 15 та чопиқ трактори қатор ораларини култивация қилди. Прим Мансуров, Умар Жумаев ўртоқлар кунига 6-7 гектар ердаги еш ниҳолларини тагини юмшатиш билан бир вақтда озиқлантириб кетмоқдалар.

Бригада азаматлари 100 гектар ерининг ҳар гектарида пландаги 24 центнер ўрнига 38 центнердан «оқ олтин» етиштиришга сўз беришган. Шу кунларда ҳамма жойда гўла гектарлар ҳосил қилинипти.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

НАМАНГАН ПАРРАНДАЧИ- ЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Беш йилликнинг тўртинчи йили учун олинган юксак социалистик манбурятларни муваффақиятли до эшти ва улуг дўхий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кўтиб олиш учун курашадиган Наманган областининг паррандачилари катта меҳнат ғалабасига эришдилар. Давлатга тухум сотиш йиллик плани муддатдан илгари ошириб бажарилди. Пландаги 7 миллион 700 минг дона ўрнига 7 миллион 704 минг дона тухум тайёрланди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ

ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ

БУ ЙИЛГИ МАРРАЛАРИ:

● Колхозларда, совхозларда ва бошқа давлат хўжаликларида 170 минг тонна гўшт, 390 минг тонна сут, 230 миллион дона тухум, 16700 тонна жун етиштирилади.

● Хўжаликларнинг ҳамма категорияларида етиштирилган маҳсулотлардан давлатга 150 минг тонна гўшт, 342 минг тонна сут, 232 миллион дона тухум, 21550 тонна жун сотилади.

● Ҳар бир соғин сигирдан олинаётган сут 1200 килограммга етказилади, тухумга кирган ҳар бир товукдан 110 тадан тухум олинади.

● Давлатга топшириладиган ҳар бир қорамолнинг ўртача вазни 270 килограммга, чўчқаниннг ўртача вазни 90 килограммга, қўйнинг ўртача вазни камида 45 килограммга етказилади.

◆ Ҳар 100 бош сигирдан камида 85 та бузоқ олинади, ҳар 100 бош совлиқдан камида 105 қўзи, ҳар бир асосий урғочи чўчқадан 22 та чўчқа боласи олинishiга эришилади.

П И Ч А Н ЎРИМИ БОШЛАНДИ

Сурхондарёнинг жанубий районларидаги хўжаликлар табиий ўтларни йиштириб олишга киришдилар. Тоғ этакларидаги яйловларда дарёларнинг соҳилларида пичан ўрауви отрядлар ишга киришди. Бу йил ўтлан гоёт қалин бўлди.

Термиз районидagi «Намуна» колхозининг ўроқчилари ишни ахиллик билан бошлаб юбордилар. Бу ерда ем-хашак жамғарадиган йирик отряд тўзилган. Механизаторлар Хотинробот тоғли ўтлоғида дастлабки бир неча ўн тонна энг яхши пичани тайёрлаб қўйдилар. Термиз районидagi Жданов номи, «Октябрь» 40 йиллиги, Куйбишев номи ва «Қизил юлдуз» колхозларининг пичан тайёрловчи отрядлари ҳам шу ерда меҳнат қилишмоқда. (ЎзТАГ).

УМРЗОҚ АЙМАҚОВ УСТА ЧОРВАДОР

Бухородаги ихтисослаштирилган «Коммунизм» совхозини коллектив бош чўпони коммунист Умрзоқ Аймақовни унга биринчи класс «Чорвачилик устаси» унвони берилиши билан табрикладилар.

Моҳир қоракўлчи чорвадор фермада ўнбир йилдан буён меҳнат қилмоқда. Ана шу йиллар мобайнида у ҳаминча энг яхши чорвадорлар қаторида келмоқда. Ўз ишнини яхши билганлиги, зоотехника ўқишига бўлган муттасил иштиёқ унинг энг яхши натижаларга эришишига ёрдам бермоқда. Мана бир неча йилдирки, бош чўпониинг отарида бирорта ҳам қўй нобуд бўлгани йўқ. У. Аймақов йил сайин ҳар юз совлиқдан 150-160 тадан қўзи олмоқда.

Бошқа чўпонлар ҳам илғор чорвадорга тенглашмоқдалар. «Коммунизм» совхозида фермадаги энг яхши меҳнатчилардан 19 киши биринчи ва иккинчи класс «Чорвачилик устаси» унвонига сазовор бўлди. Булар орасида саҳрода қоракўл қўйларини чорак асрдан буён боқиб юрган Бахтибой Тўхтамуродов, Омон Тонгаторов, Равшан Худойбердиев ва бошқалар бор.

Ўзбекистон колхоз ва совхозларида бир ярим мингдан ортиқроқ пешқадам чўпон, сут соғувчи, молбоқар биринчи ва иккинчи класс «Чорвачилик устаси» унвонига сазовор бўлди. (ЎзТАГ).

Н. В. ПОДГОРНИЙНИНГ КХДРГА ВИЗИТИ

Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Мажлиси Президиумининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, СССР Министрлар Совети таъин қилинган алоқалар давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари Н. В. Архипов, Приморье ўлка йқроия комитетининг раиси М. М. Кузнецов ва бошқа расий кишилар ҳам жўнаб кетишди. (ТАСС).

ЛЕНИН ЛЕКТОРИЙСИДА

12 майда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Ленин лекторийсида набатдаги машғулот ўтказилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов «Планилаштириш ва иқтисодий раёбатлантиришнинг янги системаси — социалистик миллатларни тобора равиқ топтиришнинг муҳим омил» деган мавзуда лекция ўқиди. (ЎзТАГ).

ЭКИШ КУНДАЛИГИ

РЕСПУБЛИКА ОБЛАСТЛАРИДА МАККАЖУХОРИ ВА ШОЛИ ЭКИШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1969 ЙИЛ 12 МАЙГА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ
(Гектар ҳисобида)

Областлар	Макка-жухори экинчи плани	Экинган майдон	Планининг бажарилиш процент	Шоли экинчи плани	Экинган майдон	Планининг бажарилиш процент
Тошкент	16731	11233	67,1	9700	193	1,9
Сирдарё	13105	6396	48,8	5920	—	—
Фарғона	13573	8206	60,5	2509	357	14,2
Наманган	13564	7394	54,5	4342	159	3,7
Андижон	12872	7408	57,6	4729	664	14
Самарқанд	15719	8041	51,2	1899	128	6,7
Бухоро	7439	3939	52,9	1000	—	—
Қашқадарё	8090	7385	91,3	—	—	—
Сурхондарё	8078	5745	71,1	4552	90	1,9
Хоразм	9365	1903	20,3	6490	325	5
ҚҚ АССР	15990	1581	9,9	16805	3564	21,2
Республика бўйича:	134526	69231	51,5	57946	5480	9,5

Х. НАБИРАЕВ. Сирдарё области.



КУВА районидagi Оқунбобоев номи колхозининг кўпгина бригадаларида гўза парварини кўчатириб юборилди. Ур-тоқ Тўхтасини Шералиев бошлиқ бригада механизатори Омон-улло Усмоналиев кунда 6-7 гектар майдондаги гўза қатор ора-ларини сифатли култивация қилмоқда. Суратда: О. Усмоналиев. (Қайомов фотос)

ТОЖИКИСТОН ССРНИНГ СОВЕТ РАЙОНИДАГИ КАНГУРТ СОВХОЗИ ИШЧИЛАРИ, МУТАХАССИСЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИГА

Узоқ муддат давомида жуда кўп ёмғир ёққанлиги нати-жасида тоғ жинслари эгдрилиб тушганлиги ва одамлар халос бўлганлигидан иборат табиий офат сабабли КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети совхоз ишчиларига, мутахассисларига ва хизматчиларига чуқур таъзия билдириди-лар. Халон бўлганларнинг оилаларига ва наридош-уруғларига қадрдон қариношларини ва яқин ёр-биродарларининг йўқотиб, беэаёт оғир жудоларини учраганликларини муносабати билан чу-қур таъзия ва ҳамдардлик изҳор қиламиз.

СССР ҳукумати ва маҳаллий республибна органдари тоғ ку-лаб тушганлиги оқибатларини тугатиш ва фалокатдан зарар кўрган кишиларга ердам бериш чораларини белгилamoқдалар.

КПСС МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

СССР МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ

Урта Осиё зонада зоология комбинатининг илон тўтувчилари дастлаб-та баҳардан иллонни тутиб, шу ерга жойлашган ва мамлакатда янги ҳисобланган иллонхонага топширишлар. Мутахассислар-герпетолог- ларнинг шифобахш аҳарини олишга ишришлар.

Баҳардан дорн-дармон сановатида кенг фойдаланилади. Гюрза а- хари иллонни баҳорда олганга баҳари айниқсаниматли хисоблана- ди, аҳар нуда ўтпирбўли, унда дорн-дармон тайёрлашда кенг қиммат- лар бер.

Ва йил комбинатининг иллонхонада 500 дан андкор торма баҳари- ларини бонинг муайяналади. Ва иллонлар қарийб 400 гримма — булган- га хисоблан ички баҳарлар кўч улар баҳари.

